

А Ж Р И М

(жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисида)

2025 йил январь ойининг 29 куни жиноят ишлари бўйича Ғиждувон туман суди, ўзининг биносида, очиқ суд мажлисида, қуйидаги таркибда:

судья Ф.Эргашев раислигида,

судья ёрдамчиси А.Асадов котиблигида, Ғиждувон туман прокурор ўринбосари А.Джаборов ҳамда маҳкум Д.Шарипов иштирокида, жиноят ишлари бўйича Ғиждувон туман судининг 2023 йил 19 декабрдаги ҳукми билан судланган

Шарипов Дилшод Шерзод ўғли – 2002 йил 14 июнда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, судланган, Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, Гулистон МФЙ Шодлик кўчасида истиқомат қилувчига

нисбатан тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги Ғиждувон туман ИИБ бошлиғининг илтимосномасини тўпланган ҳужжатлар билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Илтимосномада, жиноят ишлари бўйича Ғиждувон туман судининг 2023 йил 19 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖК 177-моддаси 3-қисмининг «в» банди билан айбдор деб топилиб, 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланганини, суд ҳукми 2024 йил 20 январь куни Ғиждувон туман ИИБ Пробация гуруҳига келиб тушганини, маҳкумга жазо ўташ тартиб қоидалари тушунтирилиб, ЖКнинг 48¹-моддаси талаблари, жазо ўташ тартибини бузган тақдирда келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар тушунтирилганини, жазо ўташ қоидаларини бузмаганини, худуд профилактикаси ноziри ва маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ҳеч қандай шикоят келиб тушмаганини, жазони намунали ўтаб келаётганини, жазонинг умумий муддати 3 йил бўлганини, ўталган қисми 1 йил 2 кун, ўталмай қолган қисми эса 2 йил 11 ой 28 кунни ташкил этишини, тайинланган жазо муддатининг учдан бир қисмини ўтаб бўлганини, шу муносабат билан унга нисбатан тайинланган жазони ЖК 73-моддаси 3-қисмининг “а” банди тартибида муддатидан олдин шартли озод қилишни сўраган.

Суд мажлисида Д.Шарипов содир этган жиноятдан пушаймон бўлиб, ўзига тегишли хулоса чиқарганини, келгусида ҳалол меҳнат қилиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қилишини билдириб, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасида “жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилади” деб кўрсатилган.

Шунингдек, шу модданинг 3-қисми “а” бандига кўра “Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш маҳкум – ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо



муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин”-деб кўрсатиб ўтилган.

Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 28-сонли қарорининг 19-бандида “жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги тақдимнома (илтимоснома) қаноатлантирилганда, судья маҳкумга, тегишлича, ЖК 73-моддасининг бешинчи қисмида ёки ЖК 74-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган қоидаларни тушунтириши шарт бўлиб, бу ҳақда ажримнинг қарор қисми ва суд мажлиси баённомасида кўрсатилиши лозим” деб кўртасилган.

Суд илтимосномани муҳокама қилиб, прокурорнинг фикрини тинглаб, Д.Шарипов тайинланган жазонинг учдан бир қисмидан кўпроғини ўтаганини, жазони ўташ даврида ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бузмаганини ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиб, ижобий тавсифланганини инобатга олиб, унга нисбатан тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни лозим топади.

Шунингдек, суд маҳкум Д.Шариповга ЖК (эски таҳрирдаги) 73-моддасининг 5-қисмида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазони ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ЖК 60-моддасида назарда тутилган қоидага мувофиқ жазо тайинлаши ҳақида берилган қоидани тушунтириш лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси, ЖПКнинг 423, 541, 536, 542, 546¹-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ғиждувон туман ИИБ бошлиғи тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Шарипов Дилшод Шерзод ўғлини ЖК 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган 2 йил 11 ой 28 кунни ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Ажрим ижросини таъминлаш Ғиждувон туман ИИБ Пробаця гуруҳига юклатилсин.

Д.Шариповга ЖК (эски таҳрирдаги) 73-моддасининг 5-қисмида кўрсатилган талаблар тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон кассация тартибида хусусий шикоят ёки протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

(имзо)

Ф.Эргашев

Ажрим нусхаси аслига тўғри, судья:

